

ТОНГ ЮААНЬ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 иил 1 августдан чиңа бошлаган

№ 38-39 (7015-7018)
1999 йил 10 ноябрь, чоршанба

Сотувда эркин нархда

Менинг исмим Шоҳдил. Бу исмни менга аяжоним кўйганлар. Исмими мазмунини сўраганимда аяжоним:

Менинг иссим Шоҳдил. Бу исими менга аяжоним кўйганлар. Иссимни мазмунини сўраганимда аяжоним:

-Күйглиң ҳамиша кучли,
енгилмас бўлсин деб қўйганман бу
исмини. дейдилар.

Мен жуда қизықувчан боламан.
Хамма воқсаларни ёки нарсаларни сирини билгим келади.
Аяжоним бўлса, бунча маҳмадона
бўлмасанг-а, деб суйиб қўядилар.

Анчадан бүён телевизорда, радиода, күчаларда сайлов деган сүзни күп эшигадиган бўлиб қолдим. Бу сўзини мазмунини жуда билгим келди ва яна аяжонимдан сўрадим. Шунда аям менга сайловнинг нима эканлигини обдон тушунтирилар. Мен энди сайлов нималигини яхши биламан. Хоҳласангиз савол бериб кўришингиз мумкин. Сайловнинг мазмунини тушунишга тушундимку-я, аммо менга алам қиласидиган бир жойи бор-да. Сайловга овоз бериш учун менинг шим жуда кичкина. Эҳ, ҳозир 18 ёшда бўлганимдами, мазза бўларди-да. Нега дейсизми?

"Тонг юлдүзү"- МЕНИНГ ГАЗЕТАМ!


Дадам уйга кичик ҳажмдаги газета олиб келдилар. Унга Республика болалари ва ўсмирларининг газетаси деб ёсиб қўйилган экан. Қарасам, чиройли безатилган. Ўқисам, бири-биридан яхши мақолалар. Энг асосийси, унга менинг тенгдошларим муаллифлик қилишар экан. 8-сийфда ўқиб туриб ўз газетам борлигини билмаган эканман. Дадамга айтсан, улар кулиб: "Ўқитувчиларинг обуна бўлинглар демайди-да", -дедилар. Биз мактабда ўқиб юрган пайтда шу газета "Ленин учқуни" номи билан чоп этилар эди. Обуна мавсумида газета учун пул олиб келмасак, ўқитувчиларимиз дарсга қўйишмас эди. Бир хонадонда уч ўқувчи бўлса, ҳаммамиз шу газетага ёзишига мажбур эдик. Совет Давлати ўз ғоясини ўқувчилар онгига ўз газетаси билан сингдиришга устаси Фаранг эди. Мана энди мұстақил бўлдик. Ишга кирсак ёки ишдан бўшасак ўз тилимизда ариза ёзамиз. Ўрисчани билмаганимиз учун бирор бизга саводсизсан деб масҳаралаб қараб турмайди. Ўз байробимиз, ўз гербимиз, ўз пулимиз бор. Аммо, шега мактабингдагилар шу обуна мавсуми давом этаттган купларда сизларни ўз газетангизга ёзишинг деб, керак бўлса мажбур қилишмайди-я. Ахир, газета ҳам

Албатта, овоз берган бўлардимда. Кимга дейсизми? Албатта, Ислом бобомга-да. Сизларни яна бир сирдан хабардор этмоқчман. Мен баъзан-баъзан шеърлар ёзиб тураман. Қизиқсангиз, марҳамат, шеъримни ўқиб кўринг:

Ислом бобом, жон бобом,
Бизга меҳрибон бобом.
Халқимизни тинч қўлган,
Катта, пахлавон бобом.

Кўзимизнинг нуриси, Қалбимизнинг қўриси.
Боболар кўп дунёда, Ҳаммасидан зўри -Сиз.

*Шоҳдил АҲМЕДОВ,
Боғчанинг катта гуруҳ
тарбияланувчиси.*



ДУНЁ ЧЕМПІОНИ

жавоб бердим.

Бир куни ойламиз билан телевизор кўриб ўтирганимизда, Артур Григорьян ҳақидаги кўрсатув намойиш этилди. Шунда ойижоним: "Қанийди ўғлим, сен ҳам мана шунга ўхшаб, машҳур инсон бўлсайдинг", - деб орзу қилдилар. Ўшанда устозимга берган жавобимни эслаб, ичимда фахрланиб қўйдим. Мен катта бўлсан албатта, ойижоним орзу қилганларидек дунё чемпиони бўламан. Мени ҳам бир куни телевизорда бизнинг дунё чемпиони, деб кўрсатишганида, ойижоним мени кўриб бошлари кўкка стишини жуда-жуда хоҳлайман.

Жақохир НОРҚОБИЛОВ,
Ташкент шаҳридаги
17-лигвистик
гимназия
мактаби ўқувчиси.

онгингизни оширади-ку. Сени аълочи қизим десам, ҳатто ўз газетангни ҳам билмас экансан-а, дедилар. Дадамнинг сўзини онам давом эттиридилар:” Тўрттала қизингиз ҳам ўз газета ва журналларига обуна бўлиш ҳақида лом-мим дейишмаяпти. Аммо, кеча қўшним шикоят қилиб қолди. Фарзанди 830 сўм беринг, “Тошкент оқшоми” газетасига обуна бўлар эканмиз, деб қўймаётган экан. Ахир, 5-6 синф ўқувчилари “Тошкент оқшоми”га ёзилиши керак, деяёттан ўқитувчилари нега ўз газетангиз “Тонг юлдузи”ни ўқинглар, дейишмайди-я...” Шу куни силамиизда газета ва газетхонлик ҳақида кўп тортишувлар бўлди. Ҳар бир ўқувчи ўз газетасини ўқиши керак деган хulosага келинди. Мен

бириңчилар қатори
сенга ёзилдим, азиз
газетам! Йил
давомида менинг ҳам
хабар ва лавҳаларим
саҳифаларингда чоп
этилишидан
умидворман.

юлдузи" и гизга ёзилинг. Бунишг учун кўп меҳнат ва вақт сарфламайсиз. Уйингизга яқин газета ва журналлар сотадиган дўкончага бориб, обуна пулини тўласангиз йил бўйи саккиз саҳифадан иборат (эҳтимол ўн олти саҳифа) "Тонг юлдузи" ҳар ҳафта сизни йўқлаб, хушхабар, ақлни чархлайдиган мақола, тенгдошлиар ингиз ижодидан намуналар билан ҳузурингизга ошиқади. Ишоилинг, дўстлар!

Умид ҚҰРБНОВА,
Тошкент шаҳар, Юнусобод
туманидаги
258-мактаб ўқувчиси.



„ТОГЛУК КҮЁВ“ДЕК ПАҲЛАВОН
БЎЛАМАН

Яқинда киночилар уйида янги кино кўрсатиши. 12 йил чет элга ишлашга кетаётган ота-она нозик ўғлини қашқадарёлик энасига топширишади ва: «Холмурод жуда нимжон. Чет элда ўлиб қолмасин тағин. Ўзингиз тарбиялайсиз-да уни», - дейишади. 12 йилдан кейин сафардан қайтган ота-она энаси билан пойтахтга келган ўғлини танишмай, «я х ى м и с и з ҳамқишлоқ», дега сўрашишади. Чунки, жуда гавдали, бақувват бу йигит ўша нимжон Холмурод эканлигига ақл бовар қилмасди. Кино жуда қизиқ экан. Кўриб қула-кула ичакларим узилди ва олдимга мақсад қилиб қўйдим. Энди, дадажон, менга қимматбаҳо кийим-кечак олиб берманг, уй соламан, тўй қиласман, деб ўзингизни қийнаманг. Балки, сигир-бузоқ олиб беринг, дейман. Кўй, қўён, товуқ, курка, хўроздар боқаман. Сут-қатиқда тўйиб ўсиб, қўй ва қўён гўшти билан ҳатто қариндош уруғларимни ҳам боқаман, дейман. Ўғил бола учун ясан-тусан эмас, паҳлавон”“к хусн экан.

Азиз тенгдошлар! Сиз ҳам «Төглик күёв» бадий фильмини күринг! Албатта, мен каби ҳолоса чиқаrasиз.

*Иzzатилла АБДУЛЛАЕВ,
Тошкентдаги
273-мактаб ўкувчиси*



Агар йўлингиз тушиб, Шаҳрихон тумонларга боргудек бўлсангиз, бир масканга кириб ўтиш. Савоб бўлади. Нега дейсизми?

Чунки у масканда меҳр юртингни дилбандлари улгаймоқда. Уларнинг бири ота-она дийдорига зор бўлса, яна бири нуқсонли туғилган ўғил-қизлар...

Шаҳрихон туманинда Турдали Мирзаҳмедовноми 15-сон махсус ёрдамчи мактаб интернатига кириб борар эканман, кўнгли ярим сингилжонларимни иккى кўлини кўксига қўйиб салом беришлари юрагимни тўлқинлантириб юборди.

Сингилжон! Ўша куни кўксингни тўлдириб турган дўмбок қўлчаларигни узоқ-узоқ ўпгим келди. “Кимнинг оиласи экан?”, - дея жовдираб турган мунҷоқдек кўзларингни, бегуноҳлик нури уфуриб турган юзларингни, жамалак соchlарингни меҳрла силагим келди. Мурод, Акамал, Ниgora, Шоира, Толиб, Феруза, Муаззам, Гулшора... Ислами кўнгли каби гўзал укаjонларим! Менга пешвуз чиқиб кутиб олган интернат директори Солижон Сиддиқовни “Дадамиз” деб таништирдингиз. Мен эса ўша сонияда 234 нафар ўғил-қизи бор бўлган устоз олдида кўз ёшларимни яшира олмадим. Нега, билмадим. Ёлгиз билтаним - сен етим эмассан! Чунки сенинг бошинг силагувчи, олтмиш саккиз нафар устоз тарбиячинг бор, яхши-ёмон қунингда паноҳ бўлгувчи Шаҳрихондек азиз элинг бор.

Укажоним! Сенинг саflарингда Андиконимни турли туманлари Улуғиор, Бўз, Балиқчи, Шаҳрихон, Асакадан келган тенгдошларинг бор экан. Уларнинг барчаси илмга чанқоқ, тиришқоқ, келажакка умид-ла боқувчи ўғил-қизлар... Ихтирочи ижодкор ўғил-қизлар кўплигидан қувондим. Замонавий усулда қурилиб, таъмирлаш ишлари талаб даражасида бўлган ўқув хоналарини айланар эканман, у ердаги покизалик масканни янада файзли этган. Бу кўркамлик масканда фаблият кўрсатайтган устозларингни меҳнат ҳиссасидан бир

томчи холос экан. Ҳар бир ўқув хонасида жиҳозлар устозлар ва тенгдошларинг томонидан ардоқда. Масканда нафақат билим олиш, балки ҳунар ўрганишга катта эътибор беришган экан. Косибчилик, кулоччилик, дурадгорлик, ганчкорлик сирларини ўргатаётган Абдураҳим Абдуқаюмов, Соибон Ҳафизов, Хурсандбек Ҳожиматовдек қўли тул уста мураббийлар санъатига қойил қолмоқдан ўзга илож ўйк.

Автомобилларни қайта таъмирлаш устахонасида эса ажаб манзарани кўриб ҳайрон қўлдим. Тушгача дарс соатларини тугатган еттинчи, саккизинчи синф тенгдошларинг машиналарни таъмирлашда устозларига астойдил кўмакдош. Ҳар бир фан тўғаракларига чинакам меҳрла ёндошган тенгдошларингга чинданам ҳавас қилдим. Негаки, чеварчилик сирларини ўрганаётган ўғил-қизлар учун алоҳида дасттоҳлар мавжуд. Ўзбекона безатилган хонада жажжи қизалоқларни устози Мақсадаҳон кўмагида тўн, дўппи тепчиб ўтирганларини кўриб ҳайратим

интернатни таъмирлаш ишларида 250 минг сўмдан ортиқ маблаг билан ёрдам берди. Ҳомийлар ҳақида сўз кетганда Шаҳрихон туманин хокими Муҳаммаджон ака Рассоқовнинг меҳнатлари ҳам бисёр. Болалардан ҳол-аҳвол сўраб, кўп бор ўқубат тургувчи бу инсон Мустақиллик байрамига атаб болаларга байрам кийим-кечаклари, шахмат-шашка ва DAEWOO телевизорини тақдим этди. Туман “Софлом авлод”, “Қизил ярим ой” жамгармаси ҳам бундай савобли ишдан четда эмаслар. “Бешарик” маҳалла фуқаролар йигини ҳам болаларни кийим-кечаги учун 50 минг сўм пул ажратдилар. Бу йил маҳсус мактаб интернат ўзининг 20 йиллик тўйини кенг нишонламоқда. Интернатда тарбиявий ишларни тез ўнгланишини сабаби-масканда таълим бераётганларнинг деярлиси олий маълумотта эга бўлган тажрибали муаллимлардир. Юлдузхон Тургунова, Эркин Орирова, Муҳсинжон Мамажоновдек муаллимлар, Гулбаҳор Ҳожисева,

ШАҲРИХОНДА БИР МАСКАН БОР

янада ошиди. Тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари Ҳалимжон ака Ҳабибуллаев “Маънавият ва маърифат” хонасида бошлади. Юртбошимизнинг ҳар бир асарлари тартиб билан териб қўйилган. Масканда ўтказилган тадбирлар дафтарини варақладим... Мустақиллик байрами.. Устозлар байрами.. Тил байрами... Диафильм, кинофильмлар жамланган қутичалар... Видеотека эса интернатда бўлиб ўтган байрам шодиёналар эвазига бойиган. Тарихий манбаалар, қадимиий идишлар, қазилмалардан тошилган, кишини ўйга толдирувчи турли шаклдаги тошлар-худди музейларни эслатади. Мана кўлимда интернат тархи битилган ноёб альбом... Унда шундай сатрлар бор:

- Махсус мактаб интернати 1979 йил октябрь ойида ишга тушди. Интернатда илк бор иш бошланган чоғда ходимлар 30 кишидан иборат эди. Бу масканга ажойиб педагог, Ҳалқ таълими аълочиси Турдали Мирзаҳмедов асос солган. Устоз ўз умрини маориф соҳасига бахшида этган жонкуяр иносон эди. Ҳамиша болаларни жону-дилидек севувчи Турдали ака ўз фарзандларини ҳам меҳрли, оқибатли қилиб вояга етказди. Фарзандлар ҳам отасидек эл-юрги - ярагувчи иносонлар бўлиб камол тоиди. Ўғиллари Низомжон ака Мирзаҳмедов бутунга келиб отаси поми билан юритилувчи масканнинг беминнат ҳомийси. Ҳар бир тадбир устозларда ўғил-қизларнинг қувончига қувонч қўшади. Ўқувчилар ҳам Низомжон акани интернат ҳовлисида кўрди дегунча қувониб кетишади. Бу йил ҳам


Майрамхон Отакўзиева, Азиза Абдулаттоевадек болажон тарбиячиларнинг муаллимлик соҳасидаги савобли ва эзгу ишларидан қувонасиз. Айниқса, сўзлаш ва тинглаш қобилиятини ўқотган ёки суст қабул қилувчи ўқувчилар учун эрта-ю кеч кунини интернатда ўтказайтган логопед ўқитувчилар Турсунбой Қўзиев, Муҳаммаджон Эрматов, Муҳташам Йўлдошеваларга “сабру бардошингизга минг раҳмат”-дегингиз келади. Спорт соҳасида эришган ютуқларни эшишиб ногирон болаларни бундай катта кўрсаткичларга эришайтганига ишонгингиз келмайди. Интернатта 1-синфдан 8-синфгача бўлган ўғил-қизлар Андикондаги руҳий касалликлар учун очилган махсус кўрикдан ўтиб, сўнгра қабул қилинади. Ҳозирда интернатда таълим олаётган ўқувчиларнинг 80 нафари етим болалар, қолгаплари ногирон болалар... Бу йилги ўқув йилида 1-синфга 28 нафар ўқувчи қабул қилинди. Интернат кун режими дастур асосида қабул қилинган. Душанба куни кўтарилиган Ўзбекистон байроби шанбада тантанали равишда ўқувчилар йигинида туширилади. Тўрт маҳал иссиқ овқат билан таъминланган ўқувчиларга ажратилган ўгоҳоналар ҳам замонавий безатилган. Интернат директори этиб сайданганига эндиғина бир йил тўлган Солижон Сиддиқов устози Турдали ака Мирзаҳмедовни ҳақиқий издоши эканлигини исботлади. Солижон ака ташабbusi билан интернат тархи билан боғлиқ китоб яратилмоқда. Музей ташкил этилмоқда. Тикув цехи ишга тушиш арафасида. Интернатни моддий базасини мустаҳкамлашда интернат ҳовлисида стиштирилган беда ва терак ниҳолчалари ҳам ўз фойдасини бермоқда. Устозни яна бир орзузи: болалар соғлиғи учун фитобар ва ўқувчилар учун катта ҳаммом қуриш.



Иссиқона ташкил этиб, гуллар ўстириш. Улуг ниятлар йўлида тўлдирилайтган альбомда ҳали режадаги ишлар бисёр. Ҳамжиҳатлик бор жамоада эса бундай ниятлар албатта амалга ошади. Интернатдан қайтар чоғимда бир ширали куй эшитилди. Ўқувчилар “дадаси”нинг айтишича, мусиқа раҳбари Фанижон Раймжонов ўқувчиларни масканнинг 20 йиллик шодиёнасига тайёрлайтган экан. Интернат дарвозаси томон борар эканман, ўғил-қизларнинг “хайр” дея қўл силкиб қолишлари кўз ўнгимда. Яна ортга боқаман. Сонсиз мурғак нигоҳлар аста пичирлашади. “Опажон, яна келинг. Янаги келишингизда... ни олиб келинг...” Сўзсиз қоламан. Лекин юрагим қандайдир ҳисдан голиб. Ўқсик қалбларни, бу ногирон дилларни суюгувчи, таянгувчи меҳрлари тоғдек буюк устозлари, кун-тун демай ҳамишина бирга тарбиячи-энагалари энг асосийи - уларни ёғлизлатиб қўймайдиган Ўзбек деган довруғли Ватани бор...

Кундузас тунда ҳам соласиз қулоқ,
Ҳаттоқи, азоби нолаларига.
Юракдан, тилмадан борасиз сабоқ,
Сиз меҳр юртшини болаларига.
Бирингиз отасиз, бирингиз она,
Сиз улар масанни, дил обунчони.
Кўзларига боқиб ишлайсиз яна,
Митти юракларда етимлик доғи.
Уларни етаклаб юради қуёш,
Йишика туртасиб қўйди заман.
Улар кўзларидан мунгли манъта тош,
Ортгандаин гўё, дунёнинг камин.
Усизни болангиз юракчасида,
Ийматиқ оқади ўзбекона ор.
Билурдек показа кўнглинисида,
Сонниб, сининган Шаҳрихони бор.
Усизни болангиз, қалби чирқароб,
Йўқотган бужудон сизлардан топган.
Усизни болангиз, ёши тирқароб,
Болалик боғидан баргаётпроқ чопган.
Мурғак юрагига ҳасад бегона,
Ҳатто, ёт дўстга ҳам бир жону бир тан.
Уларни қамбода Ватан ягона,
Уларни ёнлизлаб қўймайди Ватан!!!

Нилуғар ДАВИДОВА



ХАЙДН МИДДЛТОН

Тарих яратдан қишилар

Томас Эдисон

бирга ота-онасинг боғида етиштирилган сабзавотларни ҳам сотарди. У ҳатто ўзининг шахсий газетачасини ҳам чоп эттиришга муваффақ бўлди. Бу газетача энг муҳим янгиликлар, турли-туман олди-қочдилар билан тўла эди. Том тушлик вақтида Дитройтнинг халқ кутубхонасига чопарди. Бу ерда китоблар кўп бўлиб, Том уларнинг ҳаммасини ўқиб чиққиси келарди. У ўзининг “тиши ўтмайдиган” китобларни ҳам муроала қилишга бел боғлаганди.

Поездда бораркан, сал бўш қолди дегунча кимёвий тажриба ўтказишга тушиб кетарди. Кондуктор вагонининг юк бўлимида унга тажрибахона қилиб олишига рухсат берди. Том кимёвий моддалар солинган шишеларга бирор тегмаслиги учун уларга “захар” деб ёзилган қофоз ёпишириб қўйди. Бир куни ишнинг пачаваси чиқди. Тажриба нотўғри ўтказилганини

телеграф эди. Электр симминг бир томонида телеграф машинасини чиқиллатиб хабар юборсангиз, бир неча километр узоқда симминг иккинчи учидаги хабарни кимдир қабул қилиб олиши мумкин эди. Хабар чизик, нуқталардан иборат Морзе алифосида жўнатиларди. Бутун АҚШ бўйлаб у ёқдан бу ёқка телеграф симлари тўрдай тортилган эди. Шундай қилиб Том телеграф орқали хабар юборишни беш кўлдай билиб олди.

Том 16 ёшга тўлганида телеграф оператори касбини тўла эгаллаб олганди. Гарчи унинг қулоги ҳамон оғир бўлса-да, телеграф машинасининг чиқиллашини яхши ажратади. У темирйўлда ишлашдан воз кечиб, телографчи бўлиб ишлай бошлади. Том олти йил давомида у шаҳардан бу шаҳарга хабар жўнатиш билан тириклик қилди. У ишчан ва чақон ходим бўлиб, ўз ишини яхши кўрарди. Бироқ унинг фикри-зикри ҳамон тажриба ўтказишда эди. Том янада тезроқ, яхшироқ ишлайдиган телеграф машинаси яратни устида бош қотира бошлади. Бундан ташқари у электрон каламуш қонқонини, Америка сиёсатчиларининг овоз беришида қўлланиладиган ҳисоб машинасини кашф этди.

Бироқ бу ихтиrolарга харидор топилмади. Шундай бўлишига қарамай, Том ўз ўйлидан қайтмади. У инсонларнинг оғирини сигил қиласиди, ҳақиқатдан ҳам жуда зарур бўлган нарсаларни

яратишга ишончи комил эди. АҚШ бўйлаб телеграф оператори бўлиб ишлаш унинг меъдасига тегди. У турли машиналар ихтиро қиласиди, бўлишини жуда-



Воронканинг учини оғизга олиб, шам алангасини пулланг. Аланга воронка томонга оғади. Бу ҳодисани тушунтиринг.

жуда орзу қиласиди. Кўп ўтмай, Том гарбнинг Бирлашган телеграф компаниясига телеграф машиналарини янада яхшироқ, самаралироқ ишлатиш усулини таклиф қилди. Бу сафар унинг омади чопди. Компания унинг бу фояси учун 40.000 доллар ҳақ тўлади. Том бу пулга Ньюарк яқинидан устахона очди. Шундан кейин у телеграф машинасини янада такомиллаштириш устида беш йил бош қотирди.

(Давоми бор)

Инглизчадан тенгдошингиз Малика ШАРИПОВА узбекчалаштириди.



Балиқчи балиқни тирик сақлаш учун ўз қайигининг тубида тешиги бўлган бўлак ажратган. Агар қайиқни сувга туширса қайиқ чўкиб кетмасдими?

оқибатида вагонда портлаш юз берди ва юхона ёниб кетди. Кондукторнинг жаҳли чиқиб Томнинг бутун ашқалдашқалини ташқарига улоқтириди. Бироқ ҳамма темирйўлчилар бирдай баджаҳл эмасди. Том темирйўл бекатида газеталарни тахлаётган эди. Тўсатдан бир бўш вагон орқага юриб кетди. Сал нарироқда бекат бошлигининг кичкина ўғли темирйўл устида ўйнаб ўтирган эди. Ўйинга берилиб кетган бола устига бостириб келаётган вагонни кўрмай қолди.

Том жон-жаҳди билан ўзини шу томонга отди-ю, болани қутқарив қолди. Бекат бошлиги Томдан беҳад миннатдор бўлди. “Бу яхшилигинг учун қандай мукофот истайсан?”, - деб сўради. Шунда 15 ёшлик Том “Менга телеграф машинасида ишланинг ўргатсангиз”, деб сўраганди.

У вақтларда узоқ масофаларга хабар юборишнинг энг тез усули



Бундан 150 йил муқаддам Америкада янаган Семузэл ва Менси Эдисонлар оиласида бир ўғил дунёга келди. Улар фарзандига Том деб исм қўйдилар. Бахтга қарши Томас жуда касалманд бола бўлиб чиқди. У тез-тез касалга чалиниб турар, шу боис ота-онаси доим хўжотирда эдилар. Томас щувчалик нимжон эдикни, то саккиз ёшига қадар мактабга ҳам бора олмади. Бу ҳам етмагандай, унинг қулоги ҳам оғирлаша бошлади. Бироқ, Томас Эдисон узоқ - саксон турт ён умр кўрди ва дунёнинг энг машҳур кишиларидан бирин сифатида оламдан ўтди.



Бутилкани оғдириласдан туриб ундан сувени қандай қилиб қўйиб олиш мумкин?

Том АҚШ ва Канада чегаралари тулашиб кетган жойларда ўсиб-улғайди. У замонларда ҳаёт жуда бошқача эди. Хинду қабилалари Американинг Буюк дашти бўйлаб изгиб юрар, пахта далаларида бўлса қора танли қуллар ишлар эди. Олимлар электр нима экавлигини билишса-да, уни амалий турмушда, одамлар эҳтиёжи учун ишлатиш тўғрисида ҳеч ким бош қотириб кўрмаганди.

Мен Саодат Хўжаева 141-мактабнинг 11-сиф үқувчисиман. Бундан икки йил аввал, тўгаракка қатнашганимга бир ярим йил ўтар-утмас ўқувчиларнинг б-республика слётида қатнашиб, фахри ўринни олишга муваффақ бўлгандим. Ана шундан кейин радио, телевидение, журнал, газеталарда бир қатор шеърларим чиққанида роса суюнгандим...

Бу тўгарак она тили ва адабиёт фанини чуқур ўзлаширишимга ҳам таъсири қиляпти. Масалан, шу фан бўйича бўлиб ўтган фан олимпиадаларида мана икки йилдирки, шаҳримизда муваффақиятли ўринларни олиб келяпман. Келажак орзуим: филолог ёки журналист бўлиш.

Яқиндагина "Камолот" ёшлар жамғармаси ҳамда Ёзувчилар ўюшмаси ҳамкорлигига "Мирзо Улубек" номли боғда мушоира кечаси бўлиб ўтди. Андижонча тантлиик, хушчақчақлик билан кечани халқ шоири Муҳаммад Юсуф олиб борган бўлсалар, аёлларига хос нафосат, гўзаллик или Шарифа Салимова, Матлубахон Бўтаева каби шоиралар унга янада Файз киритдилар.

Мана менинг ўшанда айтган шеърим...

КУЗ ЁМГИРИ

Деразами оҳиста чертиб,
Егаётир кузнинг ёмгири.

Келганидан у хабар бериб,
Мени чорлар ташқари сари.

Эрта тонгдан боқаман ҳар ён,
Атроф сокин, кузга хос
нуфуз.

Нам йўлларни қоплаган
хазон,
Шу барчаси кузакка хос ҳис...

Ерлардаги дараҳтларнинг ҳам,
Тўқилгандир бунда барглари.
Олтин тусда ловуллар бу дам,
Барглар қўёш парчаси каби...

Деразами оҳиста чертиб,
Егаётир кузнинг ёмгири.
Келганидан у дарак бериб,
Мени чорлар ташқари сари...

МЕНИНГ МАКТАБИМ

Инсон ҳәётининг энг беғубор, нурли онлари она мактаби қучогида ўтади. Синфдошлар ўринни ҳам ҳеч ким босолмайди.

Бу йил мактабни битирганимга 25 йил бўлди. Давлат иши, оила, фарзандларимдан ортиб мактабимга борманимга ҳам неча ўн йиллар бўлиб кетди. Яқинда директорииз Саодат ола Муҳиддинова ва ўқитувчилар таклифига кўра мактабимга ташриф буордим ва катта тантана ўтидан чиқдим.

Шоир Икром Отамурод, "Туркестон-пресс" ахборот бўлими мудири Азим Абдумажидовлар гўзал шеърлар ўқидилар.

Акром Жалолов, Бобур Сулаймонов, Фотима-Зухра Эгамоҳуновалар ижро этган саҳна асарлари ва шеърлар барчага манзур бўлди.

Тошкент шаҳар Шайхонтохур тумани "Болалар ва ўсмирлар изходиёт марказ" ида бир қанча қасб-хунар тўгараклари қатори "Ёш қаламкаш" лар гурухи ҳам мавжуд. Унда адабиётга ҳавасманд бўлган, инфодали ўқини, маҳорат билан сўзларни туб мазмун-моҳиятига етга олиб сўзлашишга интилган изходиар ўқувчилар жамул-жамдир.

Келинг, бу ҳақда изходкор тенгдошларингизнинг ўзларидан билиб олинг

БИЗНИНГ ТЎГАРАК



БУЛУТ БИЛАН СУҲБАТ

Танишшиб кўяйлис: Исмим Азим, мени эркалаб Азимтой деб ҳам
нишришади. Чунки онларни зонг кенжалсан ўзимни.

Мен кўпинча осмонга қараб ҳаёл суришни ёқтираман. Ҳеч ким
жалал бермаса бўлгани. Айниқса, оппоқ-аппоқ булутчалар пая-пага
бўлиб сушиб юришкан бўлса борми... Ҳудди уларни устиши учиб
органдек дис қиласман ўзимни. Бу кўпинча ёз, тўғри баҳор онларидан
ҳам бўлади-ю, лекин кузда авзойи ўтгаради. Булутлар баъзан
корайиб, тифлоқи бўлиб боришиди. Ана шунисидан айниқса кузда
тозиб турамиди. Негизисини, бу ҳаммани ёз, ҳасрати
булут йил ҳосил етиштирсак, ана-мана йигиб оламиз, дейилгандан
булут йигиб берса, бу қандоқ гап бўлди?

Балки бу чаққон-чаққон ҳаракат қилиб қолинглар, дейилган
шпорадир лекин будутвойнинг шу қилиғи побопроқда, деб ўйнайман.
Шу ҳақди ўзимча бир шеър көралагандим.

Дараҳт явроялари ё силкитиб,
Кузнегондук намолларнадир.

Кўш юзин тўсмоқчи бўлиб,
Қора булут бостириб келар.

Шошмагин сен эй, қора булут,
Тўкма фақат шу фурсат куз ёш.
Теграмизда чаноқлар каби,
Кудиб турсин музаввар кўш.

Дала, боғда ҳали ҳосил мўл,
Хиёл эрта тўкмоқка кўз ёш.
Ота юртим ҳосил уяди,
Унга бўлгин маддикор, йўлдош...

Азимжон ЭШОНЖОНОВ,
6-сиф үқувчиси,

Севимли мактабим ҳамон ўзгармаган. Ташкил топганига 31 йил бўлган бўлса ҳам, ҳуснтаровати, файзини сақлаб қолганига севиндим. Ҳозир ҳам бошлангич синф ўқувчилари мактабда уй шиншагини киyr эканлар. Ҳамма ёқ озода, ранго-ранг гуллар. Ҳамон турли деворий газеталар. Мактабда Собир Раҳимовга атаб музей ташкил қилиниди.

Мени 2 воқеа суюнтириди. Бири - шу мактаб ўқитувчиси Фароғат Маҳмудова учун бу йил қувончу

шодликларга бой бўлиди. Фароғатхон Собир Раҳимов туманидаги энг намунали, ташаббускор, изходкор ўқитувчи деб топилиб, унга ҳокимият томонидан 3 хонали уй берилибди. Шу тумандаги мебел ишлаб чиқариш бирлашмаси эса янги уйга янги мебеллар туркумини совға қилиди. XTB томонидан эса Халқ маорифи аълочиши узвони берилибди. "Фароғатхон, янги уй, мебеллар ва узвон сизга муборак" дегим келди

ОНА ТАБЦАТДА ҶУЛАШЛИК МАДДА

Биз она табиат ҳақида гапирад эканмиз, энг биринчи нафбатда унинг қанчалик озода эканлигига эътибор беришимиз керак. Чунки, биз шу табиатдан нафас оламиз, шу муҳитдамиз. Унинг қанчалик тоза ёки ифлослиги бизларга боғлиқ.

Кўпгина ҳолларда мен бир нарсани кўриб жуда хурсанд бўламан. Баъзи жамоат жойларида ободонлаштиришга жуда катта бел боғланган. Айниқса, биз яшайдиган "Оқлон" маҳалласи гулзору боғ десам арзиди. Лекин сал нарига чиқиб, кўп қаватли бинолар тушган жойни қарасангиз таъбингиз хиралашади. Атрофлари ёзда чанг, қишида лой... Тўғри, унда бунида кўчатлар ўтказишгану, лекин баъзи бадхулқ тенгдошларимиз уларни риъожланишига йўл қўймаган кўринади, қуриб чўп ҳолида туради...

Ўзбекимизда азалдан озодалик, покизаликка жуда катта эътибор бериб келинади. Айниқса, сувни ифлослаш катта гуноҳ ҳисобланган. Ҳатто, бобом айтардилар мана шу олдимиздаги

"Катта ҳовуз"га кулча онларимизни оқизоқ қилиб ердик, деб. Минг афсуски, ана шундай ҳовузлар ўринни ҳозир ахлат чиқиндилари эгаллаган. Бу чиқиндилардан чиқаётган ҳиддан эса турли юқумли касалликлар келиб чиқар.

Ўзбекистон республикаси конституциясининг XII боб, 55-моддасида шундай фикрлар билдирилган: "ер ости бойликлари, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси давлат томонидан муҳофаза қилинади".

Буни энг аввало биз ўзимиз муҳофаза этишимиз лозим. Чунки шу табиат, шу муҳит, бу Ватан БАРЧАМИЗНИКИ!

Ироди ОРИПОВА,
141-мактабнинг
10-сиф үқувчиси.

ҳамда қувончими Сизларга - газетхонларга ҳам улашай дедим.

Иккинчиси - мактабда дугончи кизлар ансамбли ташкил қилиниди. Улар ижро этган қўшиқларни сел бўлиб тингладик.

Булар ҳаммаси эмас, агар тўгараклар, уларнинг ишлари, мактаб билан танишай дессангиз - Сиз ҳам жонажон мактабимга ташриф буоринг, ўқувчилар ижоди, санъати билан танишинг. Сизларни Турсуной Мирҳамидова, Клара Ҳошимова, Мавлуда Бобохонова сингари фидоий устозлар меҳрла кутиб олишади.

Махмуда ВАЛИЕВА,
С. Раҳимов туманидаги
133-мактабнинг собиқ үқувчиси.

Аслини олганда бу ой ўзининг аччиқ аёzlари ва ёғин-сочинлари билан кузини қишига улаб юборади. Мўттадил қавс ойида ер музлаб, далаларни қалин қор қоплаши керак. Шунинг учун ҳам халқимизда “ёз ёзлигини, қиши қишилигини қилгани маъқул”, деган гап бор. Бу ой рисоладагидек келган йилларда гарби-жанубий шамоллар кўпроқ эсади. Ҳарорат 4-5 даражада атрофида совук бўлади. Манбаалар сўнгги юз йилда 32 илик, 22 совук, 46 мўттадил қавс ойи кечганлигини кўрсатади. Чунончи, 1948 йилда бу ойнинг 17 куни совуқлар билан, 10 куни қор билан кечган эди. Баъзи йиллар (сийрак учрайди) қавсда ҳам момақалдироқ кузатилади.

Халқ таомилидаги гапларнинг маъноси шуки, қавс кириши

билин ҳавонинг ҳарорати ва ер мазидан кўтаришувчи илиқ нафас кескин пасаяди. Кечалари кўлмак суви ва шудгор қилинган ерлар юзаси музлайди. Ҳаво очиқ кечалари ҳаммаеқ қор ёққандагидек қиров билан қопланади.

Дарахтлардаги

қолган барглар дув тўкилади. Дарё ва ариқлар суви ниҳоятда тиниб оқишида давом этади.

Қавс суви ўткир, яъни сингувчан бўлади. Шу сабабли боғбону деҳқонлар боғ ва токзорларни, шунингдек, қуруқ тупроқли ерлар шудгорини бу ойда албатта сугорадилар. Қавс сувига қонган токзорлар ёзги сув танқислиги пайтлари ҳадеганда чанқамайди, узуми тошғурага

айланмайди, салоғини ўйқотмайди, шираси кўп бўлади. Дарахтлар меваси таранг, соғлом бўлади, кам тўкилади. Чунки қавс ва чилла суви зарарли ҳашоратларнинг қиплаб

қолаётган авлодлари, уругларига, шунингдек, касаллик зарарларига қирон солади.

Сингувчан сув ток ва дарахтларнинг бир неча метр чуқурликдаги томирларига ҳам етиб боради. Бу нам ёз ойлари аста-секин юзага кўтарилади.

Чорвадор бу кезда қишлоғ билан боғлиқ қолган-қутган ишларини ниҳоясига етказиб, энг маъсулиятли синов мавсумига шайланади. Чунки шу ой тугаши билан ҳақиқий қишлоғ бошланади. “Қавс чиқини билан


тўқсон дохил бўлади” дейдилар. Бунинг маъноси шуки, Наврӯзга қадар 90 кун қиши давом этади. Корк ўлчиликка ихтинослаштирилган хўжаликларнинг чорвадорлари. Умум ялов кишилари бу қонуниятга айниқса қатъий амал қиладилар. “Тўқсон кирса, кунлар тўргай одимчали узая боради”, дейдилар.

Ёзниг кечишига қараб, қишининг, кузнинг ўтишини кузатиб баҳорнинг қандай келишини олдиндан каромат қилиш ҳам мана шундай ҳисоб-китоблар натижасидир.

Ёзниг кечишига қараб, қишининг, кузнинг ўтишини кузатиб баҳорнинг қандай келишини олдиндан каромат қилиш ҳам мана шундай ҳисоб-китоблар натижасидир. Буни ҳар бир киши бемалол тажриба қилиб кўриши мумкин.

НОН

Илгари бўтқа нон ўрнини босган. Пиширалётган бўтқа вақтида ўтдан олинмаганда у нонга айланган. Фавқулодда пишиб қолган бу таом одамларга жуда ёқиб тушган. Нон ёпиш учун чўчқаёнгоқ ва ёнгоқ магзини янчганлар - бу бошоқли ўтлар донидан тайёрланган. Уни тотиб кўргунга қадар давом этган. Шунга қарамай таникли олим Иван Мичурин келгусида нон уни яна ёнгоқдан олинишини башорат қилган. Табиий, у ёнгоқдан магзини жавдардан ва бугдойдан кўра тўйимлироқ эканини назарда тутган эди.



ШОКОЛАД

Шоколад “чокоатль” - “аччиқ сув” деб аталган ичимлик помидан келиб чиқсан. У аччиқ бўлган - Мексиканинг қадимий аҳолиси - ацтеклар какао донини майдалаб, ванил ҳамда аччиқ гармдори аралаштиришган. Оғизда эриб кетадиган шоколад плиткаси “аччик сув”га ўхшамайди, албатта, шоколаднинг мазаси қовурилган какао дони, жўхори, асалнинг ширин шарбати ва ванилдан тайёрланган ичимликни эслатади. Маълум бўлишича, бундай ширинликни ацтеклар шоҳлар учун махсус тайёрлаб, тилла ликобчаларда тақдим этишган.

ОШ ТУЗИ

Туз бўлмаса ким ҳам дастурхонга яқин келади, дейсиз? Лекин ҳамма вақт ҳам шундай бўлган эмас. Масалан, Европаликлар ташриф буюргунига қадар америкалик хиндулар туз нима эканлигини билишмаган ва унинг ўрнига гаримдори истеъмол қилишган.

Папауслар денгиз сувида узоқ ivilgan дарахт нарчасини ёқиб, тузли кулдан totishgan. Африканинг айrim жойларида туз олтин билан тенг қадрланган. Хитойда эса пирожний шаклдаги туз пул ўрнида исплатилган. СССРда пушти ва тўқ қизил рангли туз конлари бор. У қадимда тансиқ зиравор сифатида қадрланган.



ЧОЙ

Мен қонни тозалайман. Овқатни яхши ҳазм қўлдирман. Мия қувватини ошираман ва ранги руҳсорни очаман. Оғиз ҳидларини йўқотаман. Дастваб пайдо бўлган жойим Хитой ва Хиндистондир. Маданий ҳолда ўстириладиган дарахтимнинг бўйи 2 метрдан ошмайди. Менинг асосий фойдаланиладиган қисмим баргларимдир. Баргларим бироз қоврилгач кўк чой ва қора чой нави билан фойдаланишга топширилади. Хитойда чой асосан, чуқур дарраларда экилади. Бундан ташқари, Хитой деҳқонлари чой учун энг яхши маҳаллий ўғит, деб ҳисоблайдилар. Шунинг учун ҳам, Хитой чойи фтор моддасига бойдир. Иккинчи тобу чойлар дарё ўзанларида экилади. Дарёлар тогда шаршара ҳосил қилиб тушиб, лой ва тупроқларни оқизиб келади ва чой экиладиган ерларга ёйиб кетади. Япониянинг ҳам чой экиладиган жойлари фтор моддасига бойдир. Бундан ташқари, улар тутилган балиқларнинг бир қисмини майдалаб, ўғит ўрнида фойдаланадилар.

Баргмни қовуриб, дамлаб ичилгандা, меъдага қувват беради ва пешоб ҳайдайди. Аммо, менинг бу хусусиятимдан кам фойдаланиб, фақат ташниликин йўқотадиган оддий ичимлик сифатида истеъмол қилинади.

Мен асаб ва меъдага фойда қиласман, сурги вазифасини бажараман, курсандчилик пайдо қиласман ва ташниликин йўқотаман. Бундан ташқари бош оғригини қолдирман. Меъда яллигланишини тузатаман, қонни тозалайман ва юз рангини соғ қиласман.

Шароб ва саримсоқиёнининг ноҳуш ҳидини бартараф қиласман. Суякларга қувват бераман. Аммо, мендан кўп истеъмол қилинганда тишларни саргайтираман, бироқ уларни қурт ейишдан сақлайман.

**“НИМА УЧУН?” ЛАРИНГИЗГА
“ШУНИНГ УЧУН”ЛАРИМИ:**



кийган вақтимизда, қайси вақтда танамиз ёки оёқларимиз терлаб кетадир? Шунинг учунки, резинка, чарм пар ўтказмаганидан танамизнинг иссиқлигидан ҳосил бўлган парнинг чиқиб кетишига монеълик қиласадур, мана шунинг учун резинка ёмғирпӯш ёки калишини жуда керак бўлган вақтдагина кийиш керак.

Нима учун ҳўл кирлар орасида ухлаш, ҳўл кийим кийим хатарлидир? Шунинг учунки, ҳўл кирлар, бошқа ҳўл нарсалар қуриш вақтида танадан доим иссиқликини тортадир. Бунинг натижасида танада иссиқлик табиий даражасидан камаядир.

Нима учун ичиди гул ва бошқа ўсимликлар бўлган хонада ётиш хатарли бўладир? Шунинг учунки, ўсимликлар қуёш нури ила кислородни сочар ва ҳаводан углекислотани олади. Ҳолбуки, бунинг акси ўлароқ кечқурун ўсимликлар, гуллар нафас олган вақтда ичига киринга ярамай турган мазкур газни чиқарадир. Чечак ҳидларининг ҳам бу тўғридағо ярд заарлари бордир.

Нима учун ёз куни оқ кийим кийилур? Шунинг учунки, улар иссиқ тува тургав нарсалар бўлмаганидан иссиқликини тортмас, қайтириб юборадур. Нима учун резинка ёмғирпӯш, чарм камзул ёки калиш



ЭЛ АРМОНИ

Хозир сенинг қапотиниг боғлиқ, Юрагинг доғлиқ...

Бу сатрлар деразасидан гулзор кўриниб турган тинч ва осуда хонада ёзилган эмас. уни бутун вужуди калтақдан моматалоқ бўлган шоир, қуёш нурларидан бебаҳра ва тупроқларга зор, ватанига интизор, маҳлуқлар қўлида хор бўлган юраги хаста, дилишикаста маҳбус Усмон Носир ёзган.


Наим Каримовнинг “Усмон Носирнинг сўнги кунлари” китобида ўзбек элининг павқири асл фарзандлари ҳақидаги таъсири ва тарихли ҳақиқатларни ўқир эканман, кўз кўриб қулоқ эшишмаган гаплар қачондир бўлганлигини ҳис этдим. Нега энди етти йиллик қамоқдан сўнг айбизиз айборни руҳий хаста ҳолида ҳам ватанига бермадилар. Ер юзидағи меҳр, инсонийлик деган тушунчалар наҳотки ўша даврларда тилга олинмаган бўлса. Шоирни қайси айби, қайси асарлари учун милятчи, акси инқиlobчи деб юзига тамға босдилар. Хўрликларда хор бўлган Усмон Носир каби Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий илдизини қирқишидан мақсад, ўзбек халқининг асл фарзандлари олов бўлиб

гуриллашидан, келажакда буюк сиймолар, даҳолар бўлишидан талвасага тушганлар. Ҳақиқат букилгани билан аммо синиласлиги рост бўлди. Шоир ўзи ёзганидек, давр келиб элда юлдузининг порлоқлиги янада аниқ кўринди. Шарқий Сибирининг серёмғир кунларида соатлаб очиқ жойга боғлаб қўйишгани, Элбекни икки оёғини совуқ олиш натижасида кесиб ташланганлигини. Совуқда 3-4 кунлаб яланғоч қилиб музхонага қамаб қўйишлари... Қандай қилиб тарихни унучсан? Хўрликлардан келган ҳурлик бугун юртимизда тантана қилияти.

Юртбошимиз таъкидлаганидек “Мустақиллик мамлакатимиз аҳолисини билим доирасини кенгайтириди”.

Китобни ўқиб ёзувчи Пиримқул Қодиров айтган “Дунёда шундай тарақкий этган мамлакатлар борки, уларда тарихий роман ёки фильмларда ёритилмаган тарихий сиймолар қолмаган. Ҳар бири тўғрисида бир нечтадан асарлар ёзилган. Биз эса, бу йўлда энди илк қадамларни қўймокдамиз”, деган сатрларни тақорладим.

Маъмура МАДРАҲИМОВА.



Ҳар субҳидам нидо келди кулогимга,
Зикр айт, деди, зикрин айтиб юрдум мано,
Ишқизларни кўрдум эрса йўлда қолди,
Ул сабабдин ишқ дўконин курдим мано.

Ўн биримда раҳмат дарё тўлуб тошти,
“Аллоҳ” дедим, шайтон мендин йироқ қочти,
Хойу ҳавас, мовуманлик турмай кўчти,
Ўн иккимда бу сирларни кўрдум мано.

Ўн учимда нафс, ҳавони қўлға олдим,
Нафс бошига юз минг бало қормаб солдим,
Такаббурни оёғ остида босиб олдим,
Ўн тўртумда туфроқ сифат бўлдим мано.

Ўн бешимда ҳуру ғилмон қарни келди,
Бошин уруб, қўл қовшуруб, таъзим қилиди,
Фирдавс отлиғ жаннатидин мазҳар келди,
Дийдор учун борчасини кўйдим мано.

Ўн олтимда борча арвоҳ улуш берди,
Ҳай-ҳай сизга муборак, деб одам келди,
Фарзандим, деб бўйнум кучуб, кўнглум олди,
Ўн еттимда Туркистонда турдим мано.

Ўн саккизда ҷилдни била шароб ичдим,
Зикрин айтиб, ичу тошим тоҳир бўлди,
Рўзи қилиди, жаннат кезиб, ҳурлар кучтим,
Ҳақ Мустафо жамолларин кўрдим мано.

Ўн тўқузда етмиш мақом зоҳир бўлди,
Зикрин айтиб, ичу тошим тоҳир бўлди
Қойда борсам, Хизр бобом ҳозир бўлди,
Ғавс-ул-ғиёс май ичурди, тўйдим мано.

Ёшим етти йигирмага, ўтдим мақом,
Биҳамдиллоҳ, пир хизматин қилдим тамом,
Ул сабабдин Ҳаққа ёвуқ бўлдим мано.

Мўъмин эрмас - ҳикмат эштиб йигламайдур,
Эранларни айтган сўзин тингламайдур,
Оят, ҳадис, гүё Қуръон онгламайдур,
Бул ривоят Арш устида кўрдим мано.

Ривоятни кўруб Ҳақ-ла, сўзлаштим мен,
Юз минг турлук малойикфа юзлаштим мен,
Ул сабабдин Ҳақни сўзлаб, излаштим мен,
Жону дилим анга фило қилдим мано.

Кул Ҳожа Аҳмад, ёшинг етти йигирма бир,
На қилғайсен, гуноҳларинг тоғдин оғир,
Қиёмат кун ғазаб қилса, Раббим қодир,
Аё дўстлар, нечук жавоб айтгум мано.



-Юринг опа, бир пас гаплашиб ўтирамиз,- деди Тожихон Умриниса холага.

-Раҳмат бошқа киарман. Турғунбой ишдан келавермаётганига күчага чиқудим,- деди Умриниса хола ва у ҳам уйи томон юриб кетди.

Тожихон чанг бўлиб қолган кўйлагини қоқди-да, у ҳам уйга кирди. Мақсуд амакининг иситмалари қолмаётганини айтган эди, Тожихон ҳам унга қўшимча қилди.

-Иситмалари қолмаяптида, бўлмаса-ку, оёқларининг оғриганига унча парво қилмайдилар-а, шу кунларда Ортиқбой келсин-да. Ер юттур кимдир уни айнитди-да. Бўлмаса албатта бораман, деган эди-я. Сиз ана шу ўтиналарни бостируманинг тагига олиб бориб қўйинг. Ҳавонинг феъли бузикроқ турибди, қор ёғиб қолмаса бўлгани.

-Ёғса ёғсан, хола! Ўтган йили бу маҳалда икки марта қор ёқсан эди.

Тожихон ичкарига, Қосим амаки ётган хонага кириб кетди. У осмонга қараб, кўзларини юмиб ётар эди. Тожихон гилам оламан, деб сақлаб юрган озигина пули бор эди, у ёқса югар, бу ёқса югор билан тутай деб қолди.

-Қаёқда юрибсан, хотин,- деди Наманга қасалхонага кириб кетти, хотини эканлигини қилинган Қосим амаки.

-Шу ерда эдим, Умриниса хола билан... Сизни сўрадилар.

Саломат бўлсин, дегандай боп қимирлатиб қўйди. Куруқшаб қолган лабларини бир-икки маротаба қимирлатди ва тамшаниб, тупугини ютди. Тожихон сезгир эмасми, дарҳол дераза токчасида турган чойдан пиёлага қуйиб, ҳўплатди.

-Раҳмат! Мақсуджон қани?

-Ташқариди иш қиляпти. Ҳаво сал пуркаб турибди, чақирайми?

Қосим амаки "керакмас" дегандай боп иргади ва кўзини юмиб олди. У шу куни тонг оттунча "Вой оғим"лаб, ҳеч кимга уйқу бермади.

ҚИШ ИЗФИРИНИ

Кечқурун бошланган туман, ярим кечада тарқалди. Аммо эрталаб бирозгина қор ёғди. Буни кўрган Тожихон эридан ҳол сўради.

-Тузукмисиз?

-Ҳим-м...

-Қор ёғибди, энди Худо хоҳласа тузалиб кетасиз.

Тожихон ташқарига чиқиб, ҳовлининг қорини супурди. Мақсудини ўйғотмоқчи эди, у аллақачон ўрнидан туриб, китоб ўқиб ўтирган экан.

-Амаким яхшимилар?

-Ҳа, оёқларининг оғриги сал бўшашибди, шекилли, иситмалари тушдику, лекин

тупи билан иситма ухлатмади. Қосим амаки соғлигига қаридим, оёғимнинг биттаси йўқ, деб бўш ўтирасди. Гоҳ кетмонни кўтариб, дараҳтларнинг тагини юмшатар, гоҳо пақирни кўтариб меваларнинг тўкилганини териб, кўчада ўйнаб юрган болаларга бўлиб берар, хуллас одамларга қилинадиган яхши ишларнинг кўпчилигини Қосим амаки қиласи эди. Айниқса, у болаларни жуда севар эди. Шунинг учун ҳам маҳалланинг болалари Қосим амакини қаерда кўрсалар унинг ҳурматини жойига қўйиб, саломларини

назоратчилари авария бўлгап жойни ўлчаб нималарни дир ёзиб туришган эди. Кўчада бодомларнинг сочилганини кўрган болалар, бу аёл ким экан, деб Фикр юрита бошлади. Бирор ундаи деди, бирор бундай. Дарсдан кейин Мақсуд ўйга келса ўйда Тожи холаси йўқ.

-Холам қаерга кетдилар?- сўради Мақсуд Ханифа холадан.

-Бозорга кетдилар, озигина бодом олиб бориб сотаману, қайтаман,- дедилар.

-Бодом!- Мақсуднинг миясига бир пима урилганда

кимдир меҳмон келяти деди.

Қўлида битта чамадон, кўк белбоғда нимадир тугирилик парса кўтарган қораҷадан келган, яналоқ юз, паст бўйли 25 ёшлардаги йигит кўзга ташланди. Унинг ёнида ўзидан баландроқ 20-22 ёшлардаги жувон унинг орқасида аста келар эди. Мақсудни ўзини ростлаб олди ва жийдага суюниб турган ҳассани қўлига олди. Тожи холанинг ўғлини исми Ортиқбой эканлигини билар эди.

Эшик ёнида турганларга Назарбой ака бу йигитни таништираш экан, у

Маҳмуд ИБРОҲИМОВ

ЖЕРРОС

Нодан №ға

аямасдилар.

Мана, бугун ҳам нонуштани қилиб бўлишгунча олти киши келиб, амакини кўриб хол-аҳвол сўраб кетишиди. У оддий одам, бирор ташкилотни бошлиғи ҳам эмас, бироқ ҳамма уни иззат қиласи. Ҳурматини жойига қўяди. Чунки у одамларга қўлидан келган яхшилигини қилиб, меҳнатини аямаган...

Шу қуни хурсанд бўлиб ўтиришиди. Кечқурун учқунлаётган қор эрта билан ер бетини қоплаб қолган эди. Мақсуд мактабга кетди. Тожихон амакига қараб ўйда қолди. Орадан кўп ўтмай, амакининг синглиси Ханифа хола акасини кўргани келди. Тожихон озигина бодом олиб, сотиб кўлгани бозорга кетди. Чунки бугун шанба, эртага кўтартмада Қосим амакининг қариндоши Мамадали ака ўғлига тўй қилаётган ўша ерга бориш керак эди. Ўйда Қосим амакига Ханифа хола қараб қолди.

Мақсуд иккинчи дарсга кирган эди. Она тилидан ёзма иш бўлди. У ҳаммадан олдин ёзиб бўлиб ўтирган эди. Ўқитувчи Асрорхон Асқаров:

-Нега ёзмай ўтирисан, Мақсуджон?- деди сўради.

-Ёзиб бўлдим,- деди Мақсуд

-Ўндай бўлса топшир-да, ташқарига чиқиб китоб ўқиб ўтири.

Мақсуд ёзма ишни топширди-да, ташқарига чиқди. Ташқариди болалар қорбўрон ўйнаётган экан.

Уларнинг ёнига борди. Шунда физика ўқитувчиси Муҳаммаджон Бозоров бозорнинг дарвазаси ёнида битта хотинни машина босиб кетганлигини маълум қилди. Болалар югуришиб, бозор томонга чопишиди. Чунки мактаб бозорнинг яқинидаги эди. Болалар боргунча машина босган хотинни бошқа машина касалхонага олиб кетибди. Аммо, йўл

бўлди. Бозор дарвазаси ёнида машина босган аёл яна мени хотинни бўлмасинлар? Ўша ерда тўкилган бодомлар турувди, дилидан ўтказди Мақсуд ва яна ўзига-ўзи "Эҳ, бундай кунни худо кўрсатмасин", ўзига тасалли берди.

-Биласизми хола, бозорда битта хотинни машина босиб кетибди. Танафусга чиққандик, одамлар айтишиди. Бориб кўрсак ерда бодомлар сочилиб ётган экан. Ўша хотинни касалхонага олиб кетишибди.

-Вой, ўл масам! Мақсуджон! Дарров бозорга, кейин касалхонага борчи, яна Тожи холанг бўлмасин. Бораману келаман деган эдилар. Ҳанузгача дараклари йўқ.

Мақсуд чой ҳам ичмай қўлига бир бурда нон олди-да, зинғиллаганча бозорга кетди. Бозор бу ердан унча узоқ эмасди.

ҒАФЛАТДА ҚОЛГАН ФАРЗАНД

Қосим амакининг бошига мусибат булатлари яна соя ташлади. Кутимагандага содир бўлган фалокат Тожихонни оламдан олиб кетди. Шанба куни бозор дарвазаси олдилда бўлган машина авариясида бечора Тожи холани машина кўрмасдан орқасида босиб олган экан.

20-февралнинг қорли изғирини қулоқларни чимчилаб олар эди. Дараҳтлар навдаси изғиринда чийиллади. Бир табақали пастаккина эшик олдилда қалдирғоч болисидек бир нечта киши шумшираб турибди. Ичкаридан хотинларнинг йигиси эшилиб турибди. Бирордан ёнг яна тўхтаб қоларди. Эшик қаршисидаги жийда дараҳтига суюнган ҳолда ўй суриб турган Мақсудга

Тожихоннинг ўғли Ортиқбой, у билан бирга келаётган наманганлик хотини эканлигини тушун...ра бошлади. Ҳамманинг эътибори узоқда келаётган меҳмонларда бўлиб турди. Холам "Ўғлимнинг хотини йўқ, деган эдилар, уйланибди-да", дилидан ўтказди Мақсуд. Шу орада улар етиб келишибди.

Келаётган йигит йигирма беш-ўттиз қадамлар чамаси қолганда чап қўлидаги кўк шохи белбоғдаги тугуни орқасида келаётган аёлга узатди. У чўнтагидан рўмолнасини олиб кўзини артди. Одамларга етар-стмас "Бувим-эй..." деб қўйди.

Мақсуд ўтказди. Ҳатто, онаси қилган илтимосини бажариб, унинг орқасидан бирор марта келиб унинг юзини ёруг қилиб, кўриб ҳам кетган эмас. Ахир, Наманга ҳолиб ўйланибди-ю, наҳотки бу ерга бир марта келмаган ўғил бутун онанинг еттиси куни, маъракасига аллакимандир эшилиб етиб келибди.

Ҳа, у чиндан ҳам гафлатда қолган эди. Негаки, у онасини бор йўги бир маротаба, ўнчада онаси уни қидириб Фарғонага боргандага кўрган холос. У онаси билан дурустрок сухбатлашган ҳам эмас. Ҳатто, онаси қилган илтимосини бажариб, унинг орқасидан бирор марта келиб унинг юзини ёруг қилиб, кўриб ҳам кетган эмас. Ахир, Наманга ҳолиб ўйланибди-ю, наҳотки бу ерга бир марта келмаган ўғил бутун онанинг еттиси куни, маъракасига аллакимандир эшилиб етиб келибди.

Интизор эди. Аммо унинг орзузи ушалмай ўлиб кетди.

-Онандан ҳам ажралиб қолдик, болам,- деда жиянини бағрига босиб йиглар эди, Ортиқбойнинг янгаси.

Шу пайт кўча эшик олдида, Назарбойнинг қуръон ўқиётгани эшишилди. Ҳамма жимиб қолди. Ортиқбой шу пайт бесарамжон бўлиб кичкинагина ҳовлини кўздан кечириб чиқди. Ҳамма юзига қўл тортиб фотиҳа ўқиди.

Янги кесилган тол повдасига суюниб турган Умихон Ортиқбойнинг ёнига келиб аста ўтири. У белини қора мато билан маҳкам бойлаб олган эди. Пешонасида қора дурра, эгнида танга-танга оқи бор қора читдан тикилган кўйлак кийиб олганди. Бундай либосни фақат марҳумининг энг яқин жигарбандларигина киядилар холос.

-Оҳ, воҳ, деб онанг ҳам кетди, болам,- деди Ортиқбойнинг холаси. Ортиқбой нимадир деб гулдиради. Аммо холаси эшитилди. Бирордан кейин, гўё онасининг ҳамма ишида ҳар вақт ҳозири-нозир бўлиб юрган ўғилдек:

-Эшиитмай ғафлатда қолдим-да, хола. Мен Наманганда эдим...,- деди Ортиқбой ва рўмолнаси билан кўзини ишқалаб қўиди.

Ҳа, у чиндан ҳам гафлатда қолган эди. Негаки, у онасини бор йўги бир маротаба, ўнчада онаси уни қидириб Фарғонага боргандага кўрган холос. У онаси билан дурустрок сухбатлашган ҳам эмас. Ҳатто, онаси қилган илтимосини бажариб, унинг орқасидан бирор марта келиб унинг юзини ёруг қилиб, кўриб ҳам кетган эмас. Ахир, Наманга ҳолиб ўйланибди-ю, наҳотки бу ерга бир марта келмаган ўғил бутун онанинг еттиси куни, маъракасига аллакимандир эшилиб етиб келибди.



-Дада, одамнинг юзини эслаб қоласизми?

-Ҳа.

-Жуда яхши эканда! Мен соқол олишда қарайдиган ойнангизни синдириб қўйдим.

1999

йил 10 науябрь.

ТОНГ ЮЛАДЗИ

ЧИЗОЗ 31000

8

 Tong izg'irin chopqillar,
 Daraxt bargin tortqilar.
 G'ozon bo'lgan ko'rpacha,
 Yel har tomon tortqilar.

Zil teraklar dol turar,
 Atroflardan lol turar.
 Yong'oqdagi po'ng qarg'a.
 Qor yog' deya qiyqirar.

Keng dala-qir mardona,
 Ko'z ishqila devona.
 Hosil tashlab omborga,
 Traktorlar parvona.

Anhor suvi ko'k ro'mol,
 Osmon palak, to'q ro'mol.
 Karvon bo'lar bulutlar
 Hushtak chalar sho'x shamol.

Ko'kda qushlar na'rasi,
 Jarang olgan yallasi.
 Sarg'ish rangda tovlana,
 Oltin kuzning darasi.

 Boshim uzra bir bulut,
 Yoydi oppoq sepini.
 Aylandi u bir burgut,
 Qildi asta epini

So'ngra yuzi qorayib,
 Ko'z yoshini sepkilar.
 Atroflarni changitib,

KUZ QO'SHIQLARI



Yer-zaminni tepkilar.

Yomg'ir o'zi yog'aloq,
 Yuvar olam boshini,
 Bulutchi bizga o'toq,
 To'kib turar yoshini.

 Ko'kda bulut yaraqlar,
 Oq ot minib taraqlar.
 Arqon solib yer tomon,
 Qaynatadi buloqlar.

Tomlarda-chi tog'ora,
 Chalayotir nog'ora,
 Bor tabiat soch yuvib,
 Yomg'ir bilan ovora.

Yuvar olam gardini,
 Tinglar hayot dardini.
 Buloq suvi ertakchi,
 Olar yomg'ir zARBini.

Qirda chopar quyonlar,
 O'tar qiziq zamonalr.
 Kuz yomg'iri loy elab,
 Qilar shovqin-suronlar.

*Otash HOLMIRZAYEV,
 Chortoq tumani,
 Peshko'rg'on qishlog'idagi
 22-31- o'rta maktab
 qoshida tashkil etilgan
 "Iqtidor" to'garagi
 rahbari.*

Узбекистон балалари
 ва ўсмиралигине
 газетаси

Муассислар:
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБОУТ КҮМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
"СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН" ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМГАРМАСИ

БОШ МУҲАРРИР:
 УМИДА АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ҲАЙЬАТИ:
 Йўлдош САИДЖОНОВ,
 Омон МАТЖОН,
 Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
 Хотам АБДУРАИМОВ,
 Даҳаон ёқубов,
 Мукаррама МУРОДОВА,
 Мирзапўлат
 ТОШПЎЛАТОВ,
 Музаффар ПИРМАТОВ,
 Баҳодир ҲАЙДАРОВ,
 Эргашвой САРИҚОВ,
 Феруза ОДИЛОВА.

Ижарадаги Тошкент матбаа комбинатида оғсет усулида 43.351 нусхада босилди Ҳажми
 2 босма табоқ,
 Буюртма К 74 23.
 Қоғоз бичими А-3
 Газетани PENTIUM™
 компьютерида
 ААБДУҒАФФОРОВ
 саҳифалади.



Ikki yarim ming ilgari hindular "Pokta-pok" o'yinini o'yashgan. Ya'ni ular kauchuk sharlarini baland joylarga mahkamlangan yog' och gardishlarga irg'itib tushirishgan. Sharni qo'l bilan ushlashga ruxsat berilmagan. U faqat tirsak,

tizza va bo'ksa bilan o'ynalgan. Hozir biz bilgan basketbol esa 1890 yili AQSHdagi kolledjlarning birida vujudga kelgan va o'sha yerda inglizcha "korzina" va "To'p" so'zlaridan "basketbol" so'zi kelib chiqqan.

 Suyuq yonilg'ilar odatda chiroq o'rnidagi ishlatalgan. O'tgan asrning birinchi yarmida Angliyada holsil qilingan benzinning isi yoqimsiz, buning ustiga portlab krtishi mumkin bo'lganidan undan lampa yoqishda foydalanimagan. Balet o'sha tomoshalarda ko'rsatilgan. Dastlab havaskorlar, so'ng masharaboz aktyorlar va nihoyat o'z ishlarining ustalari bo'lmish haqiqiy aktyorlar balet artistlariga aylanishgan. Asta-sekin hatti-harakatlar va imoshoralarni ifodalovchi so'zlar vujudga kelgan va ular hanuzgacha saqlanib qolgan.



Энг яхши ҳамроҳ

БОШКОТИРМА

Бўйига: 1. Янги туғилган чақалоқ, гўдак. 2. Оғиздан чиқадиган товуш. 3. Оғирлик ўлчов бирлиги. 4. Турган жойида юради.

Энига: 1. Мунгллашиш спорти. 5. Учиш апаратларининг мажмуи, ҳаво флоти. 6. Қирларни алвонга бурковчи гул. 7. Рангиз ва хилсиз кимёвий элемент.

Тузучи Шерзод ЗОИРОВ.

1	2	3	4
5			
6			
7			

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000137.
 Манзилгоҳимиз:
 700129, Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси 30-үй.
 № 64563
 Тел: 144-62-34.